

3-Бўлим – Баҳолаш ва Малака Мезонлари

Мундарижа

1. Баҳолаш	3-1
1.1 Техник таклифнинг мутаносиблиги	3-1
1.2 Комплекс шартномалар	3-1
1.3 Яқунлаш муддати	3-1
1.4 Техник муқобиллари	3-1
1.5 Ўлчанадиган номувофиқликлар, хато ва нуқсонлар	3-1
1.6 Преференциал чегирма	3-1
2. Квалификация	3-2
2.1 Мувофиқлик	3-2
2.1.1 Муайян давлатга тегишлилиги	3-2
2.1.2 Манфаатлар тўқнашуви	3-2
2.1.3 ОТБ учун мувофиқлиги	3-2
2.1.4 Давлат корхонаси	3-2
2.1.5 БМТ учун мувофиқлиги	3-3
2.2 Суд жараёнидаги иштироки	3-4
2.2.1 Суд жараёнидаги иштироки	3-4
2.3 Молиявий аҳволи	3-5
2.3.1 Ўтган йилларнинг молиявий кўрсаткичлари	3-5
2.3.2 Қурилиш ишларининг ўртача йиллик айланмаси	3-5
2.3.3 Молиявий ресурслар	3-6
2.4 Иш тажрибаси	3-7
2.4.1 Қурилишдаги умумий иш тажрибаси	3-7
2.4.2 Махсус қурилиш ишлари бўйича тажрибаси	3-7
(a) Ўхшаш ҳажм ва характердаги шартномалар	3-7
(b) Асосий иш турлари бўйича қурилиш ишлари тажрибаси	3-7
2.5 Ходимлар	3-8
2.6 Жиҳозлар	3-9

1. Баҳолаш

СИЙ 36.2 (а) – (е) бандларига санаб ўтилган мезонларга қўшимча равишда қуйидаги мезонлар қўлланилиши керак:

1.1 Техник таклифнинг мутаносиблиги

Савдо иштирокчилари техник таклифларини баҳолаш ўз ичига Савдо иштирокчиларининг асосий жиҳозлар ва ходимларни шартномани ишлаб чиқариш усуллари, тақвим жадваллари ва материаллар манбаларига нисбатан уни таклифларига мос равишда етарли даражада батафсил ва тўлиқ шаклда 6-бўлимда (Ишларга қўйиладиган талаблар) кўзда тутилган шаклда сафарбар этиши бўйича техник лаёқатини аниқлашни ўз ичига олади.

1.2 Комплекс шартномалар

СИЙ 36.4 Савдо иштирокчилари учун йўриқномаларга мувофиқ, Ишлар комплекс шартномаларга гуруҳлаштирилган бўлса, Савдо иштирокчиларининг қуйидагиларга нисбатан умумий талабларга жавоб бера олиши лаёқати баҳоланади:

- Молиявий аҳволи
- Иш тажрибаси
- Шартномалар бўйича жорий мажбуриятлари
- Пул оқими салоҳияти
- Ажартиладиган ускуналари, ва
- Ишларга жўнатиладиган ходимлари.

1.3 Тугалланиши муддати

Шартнома тугалланишининг муқобил муддатларига йўл қўйилмайди.

1.4 Техник муқобиллар

Техник муқобилларга йўл қўйилмайди.

1.5 Ўлчанадиган номувофиқликлар, хато ва нуқсонлар

Ўлчанадиган номувофиқликлар, хатолар ва/ёки нуқсонларнинг ҳисоб-китоб қиймати қуйидагича белгиланади:

СИЙ 31.3 га мувофиқ, барча миқдор жиҳатидан ўлчанадиган номоддий номувофиқликлар қиймати баҳоланади. Буюртмачи танлов таклифлари қиёсланишида адолатлиликни таъминлаш мақсадида ҳар қандай номоддий номувофиқликлар ва нуқсонлар қийматини баҳоланиши ўзи амалга оширади.

1.6 Преференциал чегирма.

НКТ га нисбатан қўлланилмайди

2. Квалификация

2.1 Мувофиқлик

Мезонлар	Мувофиқликка қўйиладиган талаблар			Ҳужжатлар	
	Талаблар	Алоҳида	Қўшма корхона		
				Барча шериклар биргаликда	Ҳар бир шерик алоҳида

2.1.1 Қайси давлатга тегишлилиги

СИЙ 4.2 бандига мувофиқ равишда қайси давлатга тегишлилиги	Талабларга мос бўлиши керак	Мавжуд ёки режалаштирилаётган ҚҚ талабларга жавоб бериши керак	Талабларга мос бўлиши керак	Қўлланилма йди	ELI –1.1; ELI – 1.2 Шакллар, иловалари билан
--	-----------------------------	--	-----------------------------	----------------	--

2.1.2 Манфаатлар тўқнашуви

СИЙ 4.3 бандига кўра манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмас	Талабларга мос бўлиши керак	Мавжуд ёки режалаштирилаётган ҚҚ талабларга жавоб бериши керак	Талабларга мос бўлиши керак	Қўлланилма йди	Техник таклифли хат
---	-----------------------------	--	-----------------------------	----------------	---------------------

2.1.3 ОТБ учун мувофиқлиги

Субъект ОТБ томонидан СИЙ 4.4 кичик бандига кўра иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилинмаслиги керак	Талабларга мос бўлиши керак	Мавжуд ёки режалаштирилаётган ҚҚ талабларга жавоб бериши керак	Талабларга мос бўлиши керак	Қўлланилма йди	Техник таклифли хат
---	-----------------------------	--	-----------------------------	----------------	---------------------

2.1.4 Давлат корхонаси

Савдо иштирокчиси СИЙ 4.5 кичик банди шартларига мос бўлиши керак	Талабларга мос бўлиши керак	Мавжуд ёки режалаштирилаётган ҚҚ талабларга жавоб бериши керак	Талабларга мос бўлиши керак	Қўлланилма йди	ELI –1.1; ELI – 1.2 шакллар, иловалари билан
---	-----------------------------	--	-----------------------------	----------------	--

2.1.5 БМТ учун мувофиқлиги

СИЙ 4.8 кичик бандида кўзда тутилганидек, савдо иштирокчиси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти резолюцияси ёки Буюртмачи мамлакат қонунлари асосида мақбул эмас, деб эълон қилинмаслиги керак	Талабларга мос бўлиши керак	Мавжуд ёки режалаштирилаётган ҚҚ талабларга жавоб бериши керак	Талабларга мос бўлиши керак	Қўлланилмайди	Таклифли хат
--	-----------------------------	--	-----------------------------	---------------	--------------

2.2 Суд жараёнида иштирок этиши

Мезонлар	Мувофиқликка қўйиладиган талаблар			Ҳужжатлар	
Талаблар	Алоҳида	Қўшма корхона			Тақдим этишга
		Барча шериклар биргаликда	Ҳар бир шерик алоҳида	Битта шерик	

2.2.1 Суд жараёнида иштирок этиш

Барча суд жараёнлари Савдо иштирокчиси томонидан ютқазилган, деб ҳисобланади, ва умуман даъво суммаси Савдо иштирокчисининг ўз сармояси 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.	Хусусий равишда ёки ўтмишда ёки ҳозир ҚК шериги сифатида талабларга жавоб бериши керак	Қўлланилм айти	Хусусий равишда ёки ўтмишда ёки ҳозир ҚК шериги сифатида талабларга жавоб бериши керак	Қўлланилм айти	ЛИТ – 1 шакл
---	--	----------------	--	----------------	--------------

2.3 Молиявий вазият

Мезонлар	Мувофиқликка қўйиладиган талаблар			Ҳужжатлар	
Талаблар	Алоҳида субъект	Қўшма корхона			Ҳужжатларни тақдим этишга қўйиладиган талаблар
		Барча шериклар биргаликда	Ҳар бир шерик алоҳида	Битта шерик	

2.3.1 Ўтган йилларнинг молиявий кўрсаткичлари

Сўнги уч йил учун аудиторлар томонидан текширилган баланс ҳисоботлари ва фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботларни, ёки Савдо иштирокчиси бўлган мамлакат қонунчилиги бўйича улар талаб қилинмаса, Буюртмачи учун мақбул бўлган бошқа молиявий ҳисоботларни (Солиқ Қўмитаси томонидан тасдиқланган баланс ҳисоботлари ва фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботларни) тақдим этиш, бунда Савдо иштирокчисининг ҳозирги барқарор ҳолати, ўрта ва узоқ муддатли лаёқатлилигини аниқлаш назарда тутилади.	Талабларга мос бўлиши керак	Қўлланилм айти	Талабларга мос бўлиши керак	Қўлланилм айти	FIN - 1 шакл иловалари билан
Савдо иштирокчисининг барча активлари умумий қийматининг ва мажбуриятларининг умумий қиймати ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланган ўз сармояси қиймати камида ижобий бўлиши керак.					

2.3.2 Қурилиш ишларининг ўртача йиллик молиявий айланмаси

Қурилишнинг ўртача йиллик молиявий айланмаси 1350 миллион сўмдан кам бўлмаслиги , сўнги 3 йилда яқунланган ва жорий шартномалар бўйича олинган умумий тасдиқланган тўловномалар асосида ҳисоб-китоб қилинган бўлиши керак	Талабларга мос бўлиши керак	Талабларга мос бўлиши керак	Талабларга 25 фоизга мос бўлиши керак	Талабларга 40 фоиз мос бўлиши керак	FIN – 2 шакл

2.3.3 Молиявий ресурслар

4-бўлимда (Танлов таклифлари шакллари) тегишли FIN-3 ва FIN- 4 шакллардан фойдаланган ҳолда Танлов иштирокчиси шартноманинг молиявий талабларини қондириш имкониятларини намойиш этиши керак. Савдо иштирокчиси ўз Танлов таклифи суммасига кўра шартноманинг молиявий мезонларига жавоб бериш учун ўзининг молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятини, ёки ливкид активлар, гаровга қўйилмаган моддий фондлар, кредит линиялари каби моддий ресурслари (шартномавий бўнак тўловларидан ташқари) мавжудлигини кўрсатиши керак. Савдо Иштирокчиси ўзининг ресурслари, ишчи сармояси ва кредит линиялари камида ўзининг Баҳоли конкурс таклифи ва ишлар бўйича жорий мажбуриятларни қоплаш учун сўнги йил учун етарли бўладиган даражада эканлигини кўрсатиши керак.

2.4 Иш тажрибаси

Мезонлар		Мувофиқлик талаблари			Ҳужжатлар
Талаблар	Алоҳида субъект	Қўшма корхона			Тақдим этишга қўйиладиган талаблар
		Барча шериклар биргаликда	Ҳар бир шерик алоҳида	Битта шерик	

2.4.1 Қурилишдаги умумий иш тажрибаси

Танлов таклифларини бериш муддати тугаши санасигача бўлган камида, сўнги уч йилда пудратчи, субпудратчи ёки бош пудратчи сифатида қурилиш шартномаларини бажариш бўйича иш тажрибаси	Талабларга жавоб бериши керак	Қўлланилмайди	Талабларга жавоб бериши керак	Қўлланилмайди	EXP-1 шакл
---	-------------------------------	---------------	-------------------------------	---------------	------------

2.4.2 Қурилишда муайян иш тажрибаси

(а) Ўхшаш ҳажм ва характердаги шартномалар

Сўнги уч йилда пудратчи, субпудратчи ёки бош пудратчи сифатида, камида битта шартнома бўйича иштирок этиш тажрибаси, бунда шартноманинг энг кам қиймати 950 миллион сўм бўлиши, у муваффақиятли яқунланган бўлиши, ҳамда таклиф қилинаётган шартномага ўхшаши керак. Уларнинг ўхшашлиги 6 бўлим – Талаб қилинаётган ишларда тавсифланган жисмоний ишлар ҳажми, мураккаблиги, усуллари, технологиялар ва бошқа характеристикаларга кўра белгиланади.	Талабларга жавоб бериши керак	Талабларга жавоб бериши керак	Қўлланилмайди	Қўлланилмайди	EXP-2(а) шакл
--	-------------------------------	-------------------------------	---------------	---------------	---------------

(б) Асосий иш турлари бўйича қуриош соҳасидаги иш тажрибаси

Юқорида 2.4.2(а) бандида кўрсатилган вақт давомида бажарилган санаб ўтилган ва бошқа контрактлар бўйича қуйидаги асосий иш турлари бўйича энг кам иш тажрибаси :	Барча талабларга жавоб бериши керак	Барча талабларга жавоб бериши керак	Талабларга жавоб бериши керак	Қўлланилмайди	EXP-2(б) шакл
а) Бир йил давомида камида 300 м³ ер қазишга оид ишларнинг бажарилиши					
б) Бир йил давомида камида 500 м³ ҳажмида бетон қуйиш ишларини бажариш					
с) Қурилиши яқунланган умумий майдони камида 150 м² булган уй-жойлар					

2.5 Ходимлар

Савдо иштирокчиси қуйидаги талабларга жавоб берадиган асосий лавозимлар учун ходимларга эга эканлигини кўрсатиши керак:

№	Лавозим	Умумий иш тажрибаси [йил]	Бу каби ишларда иштирок этиш тажрибаси [йил]
1	Лойиҳа раҳбари/Қурилиш ишлари прораби	5	3
2	Фуқаролик қурилиши бўйича муҳандис/муҳандис-қурувчи	5	3
3	Сифат назорати бўйича мутахассис	5	3

Савдо иштирокчиси 4-бўлимда кўзда тутилган шакллар (Танлов таклифлари шакллари) бўйича таклиф этилаётган ходимлар ва уларнинг иш тажрибасига оид маълумотларни тақдим этиши керак. Номзодлар бўйича барча тақдим қилинган маълумотномалар тегишли тарзда имзоланган бўлиши зарур

Савдо иштирокчиси штат жадвалидаги ёки шартнома асосида ёлланган малакали ходимларнинг минимал сонини кўрсатиши керак:

Малакали ишлар тури	Штатдаги ёки шартнома асосида ишлаётган ходимларнинг энг кам сони	Малака тўғрисидаги гувоҳномаси	Иш тажрибасининг давомийлиги [йил]
Ғишт терувчи усталар	8	Бор	3
Сувоқчилар	6	Бор	3
Дурадгорлар	4	Бор	3
Электриклар	2	Бор	3
сантехниклар	2	Бор	3

2.6 Ускуналар

Савдо иштирокчиси қуйида келтирилган асосий ускуналардан фойдаланиш имконияти борлиги, яъни уларга эгаллиги ёки ёллаши ёхуд ижарага олиши мумкинлигини кўрсатиши керак:

№	Ускуналарнинг турлари ва характеристикаси	Талаб қилинаётган энг кам миқдор
1	7-10 тонна юк кўтариш қувватига эга автокран (ижара шартномаси мавжуд бўлгани ҳолда)	1
2	10 тонна юк кўтариш қувватига эга самосвал	1
3	Бетонни ёқтизиб чиқиш учун вибратор (плита шаклидаги юзаки тури)	1
4	Тупроқни зичлаш учун қўл вибратори	1
5	Газ пайвандлаш аппарати	1

Савдо иштирокчилари 4-бўлим – Танлов таклифлари шаклларида келтирилган шакллардан фойдаланган ҳолда ушбу ускуналар ҳақида батафсил маълумотларни келтириши керак. Савдо иштирокчиси ўз ихтиёрида ускуна мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатни ёки Савдо иштирокчиси билан ускуна мулкдори ўртасидаги Савдо иштирокчиси контрактни қўлга киритса, ушбу ускуна унга ижарага топширилишини тасдиқловчи шартномала нусхаларини тақдим этиши зарур.